

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Давлат геология ва минерал
ресурслар кўмитаси раиси
ўринбосари



Ш.П.Алимов

« _____ » 2022 йил

«REGIONALGEOLOGIYA»
Давлат унитар корхонасининг
2023 йил учун

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

Ўзбекистон Республикаси Давлат
геология ва минерал ресурслар
кўмитаси

Идоравий мансублиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат
геология ва минерал ресурслар
кўмитаси

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

111800, regionalgeologiya@geo.uz

СТИР

200 714 846

Ижроия органи раҳбари



А.А.Варисов

Бош бухгалтер

А.Т.Омонов

Иқтисодиёт ва молиялаштириш
бўлими бошлиғи

Б.Б.Назаров

Тошкент 2022 йил

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Умумий маълумот ;
- 1.2 Корхона паспорти ;
- 1.3 Корхона тарихи
- 1.4 Мавжуд ишлаб чиқариш кубватларидан фойдаланиш ҳолати;
- 1.5 Корхона ташкилий тузилмаси ва таркибий экспедициялари ;
- 1.6 Кадрлар сиёсати ва ижтимоий ҳимоя;

II. Корхона ислох қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси ;
- 2.2 Ислох қилишнинг 2022 йил учун режаси ва кутилаётган натижалар;

III. SWOT-таҳлили

IV. Кўрсаткичлар

- 4.1 Ишлаб чиқариш кубватидан фойдаланиш режаси;
- 4.2 Ишлаб чиқариш режаси;
- 4.3 Бажарилган иш ва хизматларни реализация қилиш режаси;
- 4.4 Бажариладиган ишлар ва хизматларни кўрсатиш ҳажми режаси;
- 4.5 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси
- 4.6 Соф фойдани тақсимлаш
- 4.7 Ишлаб чиқариш таннархи таҳлили
- 4.8 Давлат бюджетига тўловлар
- 4.9 Қарздорликлар
- 4.10 Кутилаётган пул оқимлари прогнози
- 4.11 Кутилаётган молиявий натижалар ҳисоботи
- 4.12 Кутилаётган бухгалтерия баланси ҳисоботи

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

VI. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ)

- 6.1 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари режаси (асосий ва қўшимча)

I. «REGIONALGEOLOGIYA» ДУК тўғрисида умумий маълумот

1.1. Умумий маълумот

«REGIONALGEOLOGIYA» ДУК (кейинги ўринларда - Корхона) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли қарори ва Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 260-сонли буйруғи асосида “Марказий геология-геофизика экспедицияси” ва “Регионал геологик-тасвирлаш экспедицияси” давлат корхоналарини бирлаштириш йўли билан “Регионалгеология” ДУК ташкил қилинган.

Корхона 2019 йил 13 декабрда “Регионалгеология” давлат унитар корхонаси сифатида, Самарқанд шаҳри Давлат хизматлари марказида 63-К-сон билан қайта рўйхатга олинган.

Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Давлат геология қўмитасининг буйруқлари, фармойишлари ва корхона Устави асосида амалга оширади.

Корхона тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

Корхона фаолиятининг мақсади

- корхонада самарали бошқарув тизимини жорий этиш, фойдали қазилмаларнинг янги конларини очишга йўналтирилган геология-қидирув ишлари таннархини пасайтириш, ҳамда худудларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратиш

- ер қаърини комплекс геологик ўрганиш, шу жумладан: регионал геологик тасвирлаш, геофизик, аэрогеофизик, геокимёвий, чуқурликда ўрта ва катта масштабда хариталаш, космогеологик, топографик, геодезик, қаттиқ фойдали, қазилмаларнинг барча турларига излаш, қидириш ва баҳолаш ишларини олиб бориш, фойдали қазилмалар конлари концентратсиясини аниқлаш учун кимёвий ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш. Белгиланган геологик вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган ва фойда келтирадиган турли хил геологик намуналарнинг таркиби ўрганиш;

- регионал геологик тасвирлаш ва илғор қидирув усулларини қўллаган ҳолда фойдали қазилма конларини қидириш, қидирув ускуналари ва технологияларини такомиллаштириш;

- иш пайтида меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик стандартлар талабларига риоя қилиш.

Корхона фаолиятининг асосий вазифалари:

- белгиланган тартибда геологик фаолият олиб боради, ер усти ва ости қудукли геофизик, аэрогеофизик, геокимёвий, тоғ-кон, топографик-геодезия, стратиграфик ва палеонтологик, тематик, картографик, лаборатория, технология ишлари, шу жумладан: геологик - геофизик маълумотларни умумлаштириш, ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва республиканинг минерал-хом ашё базасини кенгайтириш;

- фойдали қазилма, шу жумладан ноанъанавий турларни ва чўкинди ғилоф қатлами остида яширинган конларни- излаш ва қидириш методологиясини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;
- Давлат геология қўмитаси билан геология - қидирув, геофизик, технологик, тематик, экогеологик, экспериментал, кимёвий, таҳлилий ва бошқа ишларнинг асосий йўналишлари ва ҳажмларини белгилайди ва мослаштиради;
- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги объектларда ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олиб борилаётган геология - қидирув ишларининг барча босқичларида жойларда геофизик ва геохимёвий тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик ва назоратни таъминлайди;
- геологик ахборот тизимлар (кегинги ўринларда - ГАТ) технологияларидан фойдаланган ҳолда корхоналар томонидан, шу жумладан «Давлат геология ахборот маркази» давлат корхонасида сақланадиган маълумотлар базаси асосида ҳудудлар учун геофизик ва геохимёвий маълумотларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади
- улар билан тузилган шартномалар бўйича геология-қидирув ишларини олиб боровчи давлат корхоналари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради;
- геофизик тадқиқотлар босқичида олиб бориладиган ва аниқланган геофизик ва бошқа зарур шартларга мувофиқ қаттиқ фойдали қазилмаларни қидиришга олиб боровчи оқилona усулларнинг тўпламини олиб боради;
- аналитик тадқиқотлар жараёнида Давлат геология қўмитаси корхоналари ва бошқа тармоқ ташкилотларининг эҳтиёжларини таъминлайдиган, маъданлар, минерал сувлар, табиий сувлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг моддий таркиби ва физик хусусиятларини ҳар томонлама ўрганишни амалга оширади;
- халқаро стандартларга мувофиқ равишда таҳлилий ишларнинг ички ва ташқи геологик назоратини амалга оширади;
- стандарт намуналар таркибини ишлаб чиқишда қатнашади, ўлчовни бажариш услубини, таҳлилнинг янги усулларини ишлаб чиқади, ўлчовларнинг бир хиллигини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, янги асбоб-ускуналар ва асбобларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тажриба ва услубий ишларни амалга оширади;
- фойдали қазилмаларни қидириш ва баҳолашнинг технологик даражасини кўтаради, илмий- техник тараққиётни амалиётга жорий этади, инноватсияларни ривожлантиради ва илғор халқаро ишлаб чиқариш тажрибаларини тарқатади;
- ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси соҳасида белгиланган талабларга, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, санитария ва экологик меъёрларга риоя қилинишини таъминлайди;
- фойдали қазилмаларнинг асосий йўқолишини ва уларнинг сифатининг пасайишини истисно этадиган услублар ва усуллар билан геология - қидирув ишларини олиб боради;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бузилган ерларни тиклаш ишларини амалга оширади,
- қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини, шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан оқилona фойдаланишни таъминлайди;

- геология - қидирув ва фойдали қазилмаларни муҳофаза қилишнинг асосий талабларига жавоб беради;

- самарали кадрлар сиёсатини юритади, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этади.

1.2 Корхона паспорти (1.2-илова)

1.3. Корхона тарихи

Марказий дала геологик ва геофизик экспедицияси 1999 йилда ташкил этилган. Марказий қидирув партияси ва геофизик партияларни бирлаштириб, Самарқандгеология давлат геологик тадқиқотининг учта геологик қидирув экспедицияси: Қизилкум Давлат геологик экспедицияси, Зарафшон Давлат геологик экспедицияси ва Қашқадарё Давлат геологик экспедицияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 январдаги 568-сонли “Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2007 йил 25 январдаги 13-сонли буйруғига билан “Самарқанд геология” Давлат корхонасини қайта ташкил этиш ва унинг таркибий бўлинмаларини жойлаштириш орқали, “Марказий геология-геофизика экспедицияси” Давлат корхона сифатида ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 3578-сонли қарори билан «Марказий Ўзбекистон геологик тасвирлаш излаш экспедицияси», «Шарқий Ўзбекистон геологик тасвирлаш излаш экспедицияси» ва «Қорақалпоқ геологик тасвирлаш излаш экспедицияси» давлат корхоналарини бирлаштириш орқали «Регионал геологик тасвирлаш излаш экспедицияси» давлат корхонаси ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли қарори ва Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 260-сонли буйруғи асосида “Марказий геология-геофизика экспедицияси” ва “Регионал геологик-тасвирлаш экспедицияси” давлат корхоналарини бирлаштириш йўли билан “Регионалгеология” ДУК ташкил қилинган.

“Регионалгеология” ДУКнинг доимий жойлашган жойи Тошкент вилоятидаги Эшонгузар кўрғони. Дала бўлинмаларининг асоси Ўзбекистоннинг Ғарбий, Жанубий ва Шарқий қисмида қудуқ геофизикаси бўлинмаларининг иш жойлари ва жойлашуви билан белгиланади.

1.4. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Корхона фаолиятининг самарадорлик натижаси, унинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда намоён бўлади. Корхонадаги мавжуд ўрнатилган асбоб-ускуналар ва махсус техника воситаларининг техник хусусиятлари ва ишлаш параметрларини ҳисобга олган ҳолда, нормал иш шароитида керакли натижага эришилади.

2023 йил учун тасдиқланиши кўзда тутилган “Республика минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш” давлат дастурлари (кейинги ўринларда - давлат дастурлари) доирасида геология-қидирув ишларини бажариш учун, ҳозирги кунда корхона балансида қўйидаги асбоб-ускуналар, махсус техника воситалари ва лаборатория жиҳозлари мавжуд:

- бурғулаш ускуналари - 39 та, умумий эскириш даражаси 75%;
- каротаж стациялари -12 та, умумий эскириш даражаси 72%;
- аэрогеофизика мажмуаси – 1 та, эскириш даражаси 27%;
- "GEOSCAN 101” ҳаводан суратга олиш мажмуаси - 2 та, эскириш даражаси 19%;
- оғир махсус техникалар -20 та, умумий эскириш даражаси 65%;
- енгил русумдаги автомобиллар - 83 та, умумий эскириш даражаси 76%;
- автобус ва вахта транспортлар - 22 та, умумий эскириш даражаси 70%;
- юк ташувчи транспортлар - 104 та, умумий эскириш даражаси 70%;
- Майдалагич ускуналари (дробилка) – 38 та, умумий эскириш даражаси 48%;

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, мавжудларини таъмирлаш орқали 2023 йилда ишлаб чиқариш қувватининг самарадорлиги ошириш мақсадида корхона маъмурий биноларида умумий қуввати 30 квт. бўлган куёш фотоэлектрик станциялари (400,0 млн.сўм) ва 12 дона сув иситиш коллекторлари (105,0 млн.сўм) ўрнатиш кўзда тутилган.

1.5. Корхона ташкилий тузилмаси ва таркибий экспедициялари (2-илова)

1.6 Кадрлар сиёсати

Корхонада ходимлар салоҳиятини ривожлантиришни белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишнинг асосий шарти сифатида кўради. Корхона ходимлари меҳнатининг унумдорлигини ошириш, янги лойиҳалар ва технологияларни оммавий тарзда жорий қилиш, ўрта бўғин раҳбарлари ҳамда мутахассислар ваколатини кенгайтириш ходимларни бошқариш тизимининг олдига янги мақсад билан бир қаторда бошқа долзарб вазифалар қўйилишини тақозо этади.

Кадрлар сиёсатининг асосий мақсади раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ходимлар захираси билан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришдан иборат бўлиб, корхонанинг стратегик ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга қодир бўлган малакали мутахассис жамоасини яратишдир.

Кадрлар сиёсати корхонанинг стратегик ривожланишига мувофиқ равишда шаклланади. Кадрлар сиёсатининг асосини корхона асосий фаолиятининг юқори даражаси ва амалий тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар жамоасини яратишнинг ўзаро боғлиқлиги тамойили ташкил этади.

Корхонада кадрлар сиёсатини амалга оширишида рағбатлантиришнинг янги усулларини таклиф этиш билан бирга ходимларнинг касбий маҳорати, ишбилармонлиги ва шахсий фазилатларига алоҳида эътибор қаратади, ходимларнинг ишга нисбатан новаторлик ва замонавий ёндошувига хайрихоҳ бўлади, анъанавий қадриятларга таянган ҳолда замонавий корпоратив маданиятни қўллаб қувватлайди.

Корхонада ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашда тасдиқланган тармоқ малака талабларига асосан, ходимнинг касбий тайёргарлик даражаси, иш вазифаларини бажариш учун зарур бўлган кўникмалари, малака ва хулқ-атвор хусусиятларини ҳисобга олинади.

Малака даражаси ва касбий тайёргарлигини, ахборот-коммуникация технологияларига оид билимларни ишлаб чиқариш жараёнларида қўллаш кўникмаларини аниқлаш учун ишлаб чиқариш ходимларини аттестациядан ўтказиш, шунингдек кадрлар салоҳиятини рационализация қилиш мақсадида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарларини ротацияси режалаштирилган.

Корхонада ходимларни ишга қабул қилиш, танлов асосида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бунда корхонада мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар корхона сайти ва бошқа очиқ маълумотлар базасида эълон қилинади.

Корхона ходимларининг малакасини доимий равишда ошириб бориш мақсадида, Давлат геология кўмитаси томонидан тасдиқланган режа-жадвалига мувофиқ “Геология соҳаси кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти” ва бошқа йўналишдаги ўқув курсларида ходимлар малакасини оширишлари учун 2022 йил давомида Ходимларни доимий малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларига 128 нафар мутахассисларни юбориш режалаштирилган бўлиб, 100% га бажарилган ва 2023 йилда 180 нафар ходимни малакасини ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси таркибидаги Геология фанлари университетига корхонамизда ишловчи 5 йил меҳнат стажига эга ўрта ва ўрта махсус маълумотли ходимлардан 14 нафар ишчи-ходимларни корхона тавсияномаси орқали ўқитиш ва бу орқали олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мулжалланган ва 100% га бажарилган. 2023 йилда корхонада фаолият юритаётган 20 нафар ўрта-махсус маълумотга эга ходимларнинг Геология фанлари университетига таҳсил олишлари учун контракт тўловлари тўлаб берилиши режалаштирилган.

Корхонада тасдиқланган штат бирликлари сони 1183,5 та, шундан амалда фаолият юритаётган ходимлар сони 1051 та, бошқарув ходимлари сони 10 та, хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 118 та, техник ходимлар сони 32 та, ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар сони 601 та ташкил қилади. Олий маълумотли ходимлар 290 та.

II. Корхонани ислох қилиш

2.1. Истиқболли ривожланиш стратегияси

Давлат геология кўмитаси томонидан 2016 йилда “Навоий КМК” ДК ва “Олмалик КМК” АЖ билан келишилган ҳолда, 2030 йилгача регионал геологик тадқиқотларни ривожлантириш концепциясини тасдиқланди. Мазкур ҳужжат асосида корхона фаолиятининг устувор вазифаларини белгилаб олди ва ваколати доирасида корхона ресурсларидан максимал фойдаланган ҳолда, ўз олдига стратегик мақсад ва вазифаларни аниқлаб олди.

Стратегик мақсад - Ўзбекистон Республикаси минерал хом-ашё базасини қайта ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Стратегик вазифа – регионал геологик қидирув ишларини олиб бориш учун, истиқболли майдонларни аниқлаш.

2.2. Ислох қилишнинг 2023 йил учун режаси ва кутилаётган натижалар

2023 йил учун тасдиқланиши кутилаётган “Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш” Давлат дастури доирасида “Регионалгеология” ДУК

томонидан 2022 йилда бажарилиши кўзда тутилган 29 лойиҳа ишлари учун давлат бюджетидан жами 121,0 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

т/р	Лойиҳалар	Сони	Умумий харажатлар (млн.сўм)
1.	Давом этувчи	11	67 849,45
2.	Янги	2	4 460,56
3.	Яқунланаётган	16	48 689,99
	Жами	29	121 000,0

Лойиҳалар кесимида:

1. “Жанубий Нурота тоғ тизмасининг Чоғатой майдонида темир маъданига ва бошқа фойдали қазилмаларни излаш ишлари” 2023-2025 йй.

Чоғатой майдони Жанубий Нурота тоғ тизмасининг жанубиғшарқий қисмида, Қўработ туманидан 8-10 км шимоли-шарқда жойлашган. Ҳудудда геологик маршрутлар олиб борилиб Fe_2O_3 нинг миқдори 42-64%ни ташкил қилади. Майдонда 2 та маъданли зоналар аниқланди. Майдонда P_1 ва P_2 тоифали башорат ресурслари аниқланади ва истиқболли ҳудудларга ажратилиб кейинги босқич геология қидирув ишларига тавсиялар берилади.

2023-йил кутилаётган натижалар. 2023-йилда 2400,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 9000 м³ – ер усти лаҳим қазилш ишлари режалаштирилган.

Кутилаётган P_1 тоифали темир маъдани башорат ресурслари 5 млн.т.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 4 300,56 млн.сўмни ташкил этади.

2. Лойиҳа «Султанувайс тоғларининг Султанбобо майдонида рангли металллар ва бошқа фойдали қазилмаларни излаш ишлари» 2018-2023 йй.

Иш бошланган буён:

Султанбобо майдонида 04.12.2020 йилда P_1 тоифасидаги рангли металлларнинг башоратланган ресурслари ҳисобланиб, ахборот ҳисоботи ДХЗКда кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Унга кўра Ni - 27,3 минг тонна, ўртача миқдори 0,15%; Cr - 38,7 минг тонна ўртача миқдори 0,21%; Co - 1,35 минг тонна ўртача миқдори 0,07%. Султанбобо майдонидаги P_1 тоифа бўйича башорат қилинган ресурслар жами 67,35 минг тоннани ташкил қилди.

20.12.2021 йилда P_2 тоифасидаги рангли металлларнинг башоратланган ресурслари ҳисобланди, унга кўра Ni – 129,8 минг тонна ўртача миқдори 0,17%; Cr – 171,1 минг тонна ўртача миқдори 0,22%; Co – 5,9 минг тонна ўртача миқдори 0,076%, бўлиб, жами башорат қилинган ресурслар 306,8 минг тонна металлни ташкил қилди.

2022-йилда 4000,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 1000,0 пог.м – хаво-зарбали бурғилаш ишлари амалга оширилди.

2022-йил лойиҳа бошидан буён 8379 та намуна Марказий ГГЭ лабораториясига жўнатилди ва лабораториядан 3750 та таҳлил натижалари олинди, 4629 дона намуна натижалари олинмади, 21 195 та намуна Марказий лабораторияга жўнатилди, лабораториядан 17 744 та намуна таҳлил натижалари олинди, 3451 дона намуна натижалари олинмади. Тош майдалаш бўлимида 6169 та намуна лабораторияга тайёрланмоқда.

2022 йилда геологик ишларни амалга ошириш учун 5 231,75 млн.сўм пул маблағи сарфланди.

2023-йил кутилаётган натижалар. 2500,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 2000,0 м³ ер усти лаҳимлари ўтиш.

Барча лаборатория таҳлил натижалари олиниб, бутун майдон бўйлаб Р₁ ва Р₂ тоифаларида башорат ресурслари ҳисобланади, ҳамда якуний ҳисобот тайёрланиб Давлат геология қўмитаси илмий техник кенгашига тақдим қилинади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 3 200,0 млн.сўмни ташкил этади.

3. Лойиҳа «Султонувайс тоғининг Зенгибобо майдонида рангли металллар ва бошқа фойдали қазилмаларни излаш ишлари» 2020-2023 йй.

2022-йил натижалари.

2022-йилда 3945 та намуна “Марказий лаборатория” ДК жўнатилди ва лабораториядан 2250 та таҳлил натижалари олинди, 1401 та намуна таҳлил натижалари олинмади. Олинган таҳлиллар натижасида участканинг маълумотлар базаси яратилди. Олинган ИСР мас-спектрометрик анализ натижаларига кўра №2 канаваинг 726,0-730,0 м интервалида миснинг миқдори Cu-5200г/т, №4 канаваинг 1152,0-1155,0 м интервалида Cu-3500г/т ташкил қилади. Майдонда геологик ишларни амалга ошириш учун 1 100,0 млн.сўм пул маблағи сарфланди.

2023-йил кутилаётган натижалар. 1000 пог.м. колонкали бурғилаш ишлари амалга оширилади. Лабораториялардан барча намуналар таҳлил натижаларини олиниб рангли металлларнинг башорат ресурслари ҳисобланади ва якуний ҳисобот тайёрланади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 1 800,0 млн.сўмни ташкил этади.

4. Лойиҳа. "Кульджуктау тоғи Тасказган майдонида рангли ва бошқа фойдали қазилмаларга излаш ишлари" 2020-2023 йй.

2022 йил натижалари.

2022 йилда бажарилган ишлар ҳажми: колонкали бурғилаш – 1 431 пог.м; хаво-зарбали бурғилаш – 2 057 пог.м; ер усти лаҳимлари – 2257 м³.

Геологик жараёнда ҳосил бўлишига қараб маъдан таналари ажратилди, бунга кўра маъдан таналари қалинликлари 0,5м дан 20м гача. Юқори кўрсаткич натижалари майдоннинг ғарбий қисмида, канава- 1б да, Cu – 0,52%; Ni – 1,17%; канава – 6 Cu – 1,14%, Co – 0,09%; бурғи қудуғи №3 да Co – 0,01%; Ni – 0,10%; бурғу қудуғи №5 да Co – 0,14%; Ni – 0,13%; аниқланди ва шу маъдан таналари йўналиши бўйлаб қўйилган колонкали бурғилаш қудуқлари намуналари, натижадор бўлиши кутилмоқда.

2023 йил учун режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми: колонкали бурғилаш – 200 пог.м, хаво-зарбали бурғилаш – 500 пог.м, ер усти лаҳимлари – 600 м³.

2023 йилда кутилаётган натижалар: дала ишларни давом эттириш, камерал ишларни бажариш олинган натижаларга бўйича кейинги босқич геология қидирув ишлари учун истиқболли майдонларни ажратиш ҳамда якуний ҳисобот тайёрлаш.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 1 200,0 млн.сўмни ташкил этади.

5. Лойиҳа “Қўшимча лойиҳа, Шимолий Нурота тоғ тизмасининг Хаётбоши майдонида олтин ва бошқа фойдали қазилмаларга излаш ишлари лойиҳасига, қўшимча Кийикқайнар майдонида олтин ва бошқа фойдали қазилмаларга излаш ишлари” 2021-2026 йй.

2022 йил натижалари:

Лойиҳа доираси 2021 йилда колонкали бурғулаш 6000 п.м., ер усти лаҳимлари 10000 м³, сарфланган маблағ 7 450,0 млн.сўм.

Олинган натижалар: Хаётбоши майдонида бажарилган бурғилаш ишлари ҳамда ер усти лаҳимларидан 2111 та керн, 1182 п.м. жўякли (борозда) 1407 та нуқтали жами 4848 та намуналар олинди.

Намуналар ишлари бажарилган бурғу қудуқлари ва ер усти лаҳимлари (канава) лардан давом эттирилмоқда.

Жами олинган намуналар Марказий Ўзбекистон ДГТЭ тош майдалаш цехига олиб келинди ушбу олиб келинган намуналар қайта ишланиб лаборатория тахлил учун юборилган.

Лаборатория тахлил натижалари ижобий натижалар олинди бажарилган № 16,17.... 22 ер усти лахмлар (канавалар) нинг ораликларида 0,2 г/т дан 2,0 г/т гача золотометрик тахлил натижалари олинди ушбу тахлил натижаларига аниқлик киритиш учун пробирлик тахлил учун юборилди. Бундан ташқари аниқланган маъдан намоеъдаларининг узунлик бўйича тарқалишини ўрганиш учун бажарилган тоғ лахмларидан олинган тахлил натижаларига кўра № ГР-1 дан ГР-16 тоғлахмларидан 0,2 г/т дан 21,06г/т гача тахлил натижалари олинди.

2023 йил учун режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми: колонкали бурғилаш – 5000 пог.м, ер усти лахмлари – 6000 м³.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида йил якунига 5,0 т башорат ресурслари топшириш режалаштирилган.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ: 7 200,0 млн.сўмни ташкил этади.

6. Лойиҳа “Шимолий Нурота тоғ тизмасининг шимолий ён бағридаги Жангалисой ва Соп сойлари оралиғида жойлашган сойлар водийларида тарқалган тўртламчи давр ётқизиқларида сочма олтин конларини излаш” 2021 – 2024 йй.

2022 йил натижалари:

Лойиҳа доирасида 2022 йилда Колонкали бурғилаш 500 п.м., ер ости тоғ иншоатлари (шурфлар) 400 пог.м., ер усти тоғ иншоатлари 200 м³ Сарфланган маблағ 2 700,0 млн,сўм бажарилган.

Олинган натижалар: Олинган 620 намунадан 370 таси қайта (ювилиб) ишланди. Қайта ишланган намуналар минералогик тахлил учун Сайкал лабораториясига юборилган. 310 та қайта ишланган намуналарнинг 240 таси минералогик тахлил қилинди.

Тахлил қилинган намуналарнинг 32 тасида олтин микдори 2мг/м³ дан 142 мг/м³ (л-6, ш-10, пр-1) гача ташкил этди, 66 намунада олтин белгилари аниқланди. Колган 142 та намунада эса олтин аниқланмади.

2023 йил учун режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми: 1200 пог.м. ҳавозарбали бурғилаш ва 556 пог.м ер ости тоғ иншоатлари (шурфлар) ўтиш режалаштирилган.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида йил якунига тўртламчи давр ётқизиқларида тарқалган сочма олтин конларнинг истиқболли майдонларни аниқлаш.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ: 3 150,0 млн.сўм.

7. Қўшимча лойиҳа «Султанувайс тоғининг Зинелбулоқ ва Душебулоқ майдонларида лиственит тоғ жинсига заргарлик саноати учун хом-ашё сифатида, Дарбазатов майдонида гранат минераллари бўйича излаш ва қидирув ишлари лойиҳасига қўшимча Зинелбулоқ майдонидаги талькли жинсларини баҳолаш ишлари» 2021-2023 йй.

2022-йил натижалари.

1000,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 40,0 пог.м – ер ости лаҳим қазииш (шурф) қазииш ишлари, 60,0 м³ – ер усти лаҳим (канава) қазииш ишлари амалга оширилди. Душебулоқ-1 майдонидан лиственит тоғ жинсларининг С₂ тоифаси бўйича 110,3 минг.т ёки 39,3 минг.м³ захиралари ҳисобланиб ДХЗКга топширилди.

Майдонда геологик ишларни амалга ошириш учун 1 350,0 млн.сўм пул маблағи сарфланди.

2023-йил кутилаётган натижалар. Барча лаборатория таҳлил натижалари бўйича ажратилган истиқболли майдонларни заҳиралари ҳисобланади, якуний ҳисобот ва ТИА тузилади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 600,0 млн.сўмни ташкил этади.

8. Лойиҳа «Қорақолпоғистон Республикасининг Муйноқ, Тахтақўпир ва Кегейли туманларида номаъдан фойдали қазилмаларини излаш ва баҳолаш ишлари» 2019-2024 йй.

2022-йил натижалари. 1500,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 565,0 пог.м – ер ости лаҳим қазииш (шурф) қазииш ишлари, 1500,0 м³ – ер усти лаҳим (канава) қазииш ишлари амалга оширилди. Ороловул-2 (лёссимон жинслар), Ороловул-3 (лёссимон жинслар), Тоқпақ (қурилиш кумлари) Сол-1, 2 майдонидан галит тузлари каби фойдали қазилмалар заҳиралари ҳисобланди ва ТИА тайёрланди ва ДЗК топширилди.

Майдонда геологик ишларни амалга ошириш учун 1 887,0 млн.сўм пул маблағи сарфланди.

2023 йил учун режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми: 1000,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 1600,0 пог.м ер ости лаҳим қазииш (шурф) қазииш ишлари, 6000,0 м³ – ер усти лаҳим (канава) қазииш ишлари режалаштирилган.

Оролбўйи худудида мавжуд истиқболли норуда фойдали қазилмаларни топиш ва Давлат заҳирасига топшириш ишлари олиб борилади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 3 400,0 млн.сўмни ташкил этади.

9. Лойиҳа «Ўзбекистон Республикасининг Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навои, Самарқанд, Тошкент, Сирдарё, Андижон ва Наманган вилоятларида номаъдан фойдали қазилмаларини баҳолаш ишларини олиб бориш» 2022-2023 йй.

7-та вилоятдан лойиҳалар тасдиқланиб 38 объектда дала ишлари бошланди.

Лойиҳа: “2022-2023 йилларда “Самарқанд вилоятининг Нуробод, Қўшрабод ва Пахтачи туманларида гиллари номаъдан фойдали қазилмаларига баҳолаш ишлари”.

Лойиҳада 11 объект бўлиб, 2022 йили 4-та объектда ишлар бошланди, буларга.

Овхона охактош, Тутли гипс, Гранит-2 гранит, Карнаб каолин участкаларида геология қидирув ишлари олиб борилди.

Лойиҳа: “2022-2023 йилларда Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани ва Наманган вилоятининг Поп туманида Охактош, гранит ва қурилиш кумлари номаъдан фойдали қазилмаларига баҳолаш ишлари”.

Лойиҳада 4 объект бўлиб 2022 йили 2-та объектда ишлар бошланди, Чоркесар-1 ва Чоркесар-2 пардозбоб гранит участкаларида дала ишлари олиб борилди.

Лойиҳа: “2022-2023 йилларда Тошкент вилоятининг Охангарон тумани ва Сирдарё вилоятининг Ховас туманида Охактош, доломит ва кум-шағал аралашмаси номаъдан фойдали қазилмаларига баҳолаш ишлари”.

Лойиҳада 4 объект бўлиб 2022 йили 2-та объект, Охангарон-1 охактош участкасида бурғилаш ишлари, Охангарон-2 лёссимон жинслар участкасида шурф қазииш ишлари олиб борилди.

Лойиҳа: “2020-2022 йилларда “Навоий вилояти Томди тумани худудида норуда фойдали қазилмаларини излаш ва баҳолаш ишларини олиб бориш”.

Бу лойиҳада 3-та объект бўлиб, ҳозирда дала ишлари давом этмокда.

Лойиҳа: “2022-2023 йилларда Қорақолпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида Охактош, қурилиш тошлари ва гил номаъдан фойдали қазилмаларига баҳолаш ишлари”.

Бу лойиҳада 3-та участкада иш олиб бориш кўзда тутилган. Айни пайтда участкаларда дала ишлари лаҳим ўтиш, ва бурғилаш ишлари давом эттирилди.

Лойиҳа: “2022-2023 йилларда Хоразм вилоятининг Хазорасп, Янгиариқ ва Хива туманларида Лёссимон ва қурилиш кумлари номаъдан фойдали қазилмаларига баҳолаш ишлари”.

Хоразм вилоятида 5 та участкада иш олиб борилди.

Лойиҳа: “2022-2023 йилларда Бухоро вилоятининг Қоравулбозор ва Пешку туманларда Оҳақтош, қурилиш кумлари, гил қум-шағал аралашмаси, лёссимон жинслари ва гранит номаъдан фойдали қазилмаларига баҳолаш ишлари”.

Бухоро вилоятида лойиҳа бўйича 9-та участкада иш олиб борилиши режалаштирилган. Ҳозирда геология қидирув ишлари давом эттирилди.

Жами ПП-№139 қарори бўйича 7-та лойиҳа доирасида 38-та объектда иш олиб бориш режалаштирилган. Шу лардан 9-та объект жорий йилда ДЗКга топиширилиши мўлжалланмоқда.

2022-йил натижалари. 9779,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 1575,0 пог.м ер ости лаҳим қазил (шурф) қазил ишлари, 12810,0 м³ – ер усти лаҳим (канава) қазил ишлари олиб борилди.

Майдонда геологик ишларни амалга ошириш учун 10 250,0 млн.сўм пул маблағи сарфланди.

2023-йил кутилаётган натижалар. 2110,0 пог.м – колонкали бурғилаш ишлари, 48,0 пог.м ер ости лаҳим қазил (шурф) қазил ишлари, 9000,0 м³ – ер усти лаҳим (канава) қазил ишлари режалаштирилган.

Барча белгиланган участкаларни заҳиралари ҳисобланиб, Давлат заҳирасига топшириш ишлари олиб борилади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 14 141,99 млн.сўмни ташкил этади.

10. Лойиҳа “Тошсой гранодиоритли майдонида инерт ва бошқа қурилиш материалларига, Тутбулоқ оҳақтошли майдонида цемент ва оҳақ учун хомашёга баҳолаш ишлари” 2021-2023 йй.

2022 йил натижалари: колонкали бурғилаш 536 пог.м., ер усти лаҳимлари (канавалар) 800 м³, сарфланган маблағ 1000,0 млн.сўм бажарилган.

Олинган натижалар: Барча ўтилган ер усти тоғ иншоатлари ҳужжатлаштирилди ва намуналар олинди. Олинган намуналар лаборатория таҳлилларига юборилди.

2023-йил кутилаётган натижалар. Олинган лаборатория таҳлил натижалари асосида заҳиралар ҳисобланиб, ТИА тузилади ва ДЗК тақдим этилади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 1 095,0 млн.сўм ташкил этади.

11. Лойиҳа “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мраморли оникс ва рангли тошларни қайта баҳолаш” 2019-2023 йй.

2022 йил натижалари:

Лойиҳа доираси ер усти тоғ иншоатлари (канавалар) йил бошидан 2000 м³, 750 000,0 минг сўм бажарилган.

Олинган натижалар: Барча ўтилган ер усти тоғ иншоатлари ҳужжатлаштирилди, намуналар олинди. Олинган намуналар лаборатория таҳлилларига юборилди.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида йил якунига мраморли оникс ва рангли тошлар каталогини тузиш ва истиқболли майдонларини аниқлаш, аниқланган майдонлар бўйича башорат ресурсларни ҳисоблаш режалаштирилган.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ – 450,0 млн.сўмни ташкил этади.

12. Лойиҳа “Наманган вилоятиданоруда фойдали қазилмаларни баҳолаш ишларини олиб бориш” 2020 – 2023 йй.

2022 йил натижалари:

Ер усти тоғ иншоатлари (канавалар) йил бошидан 2428 м³, сарфланган маблағ 1 200,0 млн.сўм бажарилган.

Олинган натижалар: Барча ўтилган ер усти тоғ иншоатлари хужжатлаштирилди, намуналар олинди. Олинган намуналар лаборатория таҳлилларига юборилди.

2023 йилда қутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида йил якунига норуда фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонларини аниқлаш, аниқланган майдонлар бўйича саноат захираларини ҳисоблаш режалаштирилган.

2023 йилга ажратилиши қутилаётган маблағ – 1 476,0 млн.сўмни ташкил этади.

13. Лойиҳа “Ангрен тумани Сюренота майдонининг Кайирма участкасида брусит, Қўшработ тумани Шимолий Нурота тоғлари Жазбулоқ участкасида гранит ва гранодиоритлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани Султанувайс тоғлари Аксай майдонида оҳактош ва гилларга излаш ва баҳолаш ишлари” 2020 – 2025 йй.

2022 йил натижалари: колонкали бурғилаш 800 пог.м., ер усти лаҳимлари (канавалар) йил бошидан 1200 м³, ер ости лаҳимлари (шурфлар) йил бошидан 33,7 пог.м, сарфланган маблағ 2 400,0 млн.сўм бажарилган.

Олинган натижалар: Барча ўтилган ер усти тоғ иншоатлари хужжатлаштирилди, намуналар олинди. Олинган намуналар лаборатория таҳлилларига юборилди.

2023 йил учун режалаштирилган иш ҳажмлари: 500 пог.м. колонкали бурғилаш ва 1000 м³ ер усти лаҳимлари (канава) ўтиш режалаштирилган.

2023 йилда қутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида йил якунига норуда фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонларини аниқлаш, аниқланган майдонлар бўйича захираларини ҳисоблаш ва ДЗК топшириш режалаштирилган.

2023 йилга ажратилиши қутилаётган маблағ: 2 400,0 млн.сўмни ташкил этади.

14. Лойиҳа “Хонбанди майдони Арватен участкаси цемент хомашё учун таркибида темир қушимчалари сифатида қидириш ҳамда баҳолаш ишлари” 2020 – 2023 йй.

2022 йил натижалари:

Лойиҳа доираси 2022 йилда колонкали бурғилаш 795,0 пог.м., ер усти тоғ лаҳимлари (канавалар) 1500 м³ ўтилган, сарфланган маблағ 1 100,0 млн.сўм бажарилган.

Олинган натижалар: Барча ўтилган ер усти тоғ иншоатлари хужжатлаштирилди, намуналар олинди. Олиб борилган ишлар натижасида Арватен участкаси базальт тоғ жинслари цемент саноати учун қўшимча сифатида қўшиш 12 117 553,2 т ҳисобланди. Олинган намуналар лаборатория таҳлилларига юборилди.

2023 йилда қутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида йил якунига темирлашган тоғ жинсларининг захиралари (цемент учун қўшимча сифатида фойдаланиш учун) ҳисобланиб ДЗК топширилади.

2023 йилга ажратилиши қутилаётган маблағ 624,0 млн.сўмни ташкил этади.

15. Лойиҳа “Кульджуктау тоғи Тозбулоқ майдонида кварц тоғ жинсига баҳолаш ишларини олиб бориш” 2023-2025 йй.

Лойиҳа 2023 йилнинг 3 чорагида тасдиқланди.

2023 йил учун режалаштирилган иш ҳажмлари: 800 пог.м. колонкали бурғилаш ва 1000 м³ ер усти лаҳимлари (канава) ўтиш режалаштирилган.

2023 йилда қутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида йил якунига қадар кварц тоғ жинсининг С₁ тоифасида 250 минг тонна захираси ҳисобланиб ДХЗК топшириш режалаштирилган.

2023 йилга ажратилиши қутилаётган маблағ 960,0 млн.сўмни ташкил этади.

16. Лойиха “Букантоғ тоғларининг шимолий-ғарбий қисмини 1:50 000 миқёсда геологик қайта ўрганишни (ГДП-50) геофизик асос билан таъминлаш учун геофизик тадқиқотлар”. 2018-2023 йй.

Иш бошланганидан бери бажарилган ишлар:

Геофизика ишлари: бажарилган комплекс геофизик тадқиқотлар (гравитацион-магнит-электр кидирув) натижасида замонавий рақамли юқори аниқликдаги ускуналардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган майдонда геофизик хариталар тузилди; тортишиш майдони, кутбланиш (поляризация ва қаршилиқ) туфайли юзага келган аномал магнит майдон, табиий электр майдони ва ВП-ТЗ (нуқтани сезиш) геоэлектрик участкалари. Ҳудуднинг жанубий қисмида геологик маълумотларга кўра ёриқлар зоналарига тўғри келадиган ва минерализация учун истиқболли сублатитудинал ва шимоли-ғарбий зарбанинг ижобий магнит аномалияси мавжуд. Поляризация харитасида шимоли-ғарбий зарбанинг иккита кенгайтирилган ижобий аномалиялари ажралиб туради, улар графитланган жинслар ва олтин ва бошқа минерализация учун истиқболли сульфидли минерализация зоналари билан аниқланган. Энг қизиқарли кутбланиш аномалияларининг зарбали хочларида аномал объектларнинг 400 м чуқурликдаги тарқалишини ўрганиш учун нуқта зондлаш мосламаси ёрдамида УҚ (ВП) нинг профилли текшируви ўтказилди. Натижада геоэлектрик участкалар қурилган. иккита параметр (поляризация ва қаршилиқ). Табиий электр майдонининг салбий аномалиялари майдалаш ва синиш зоналари билан тавсифланади.

Аномал магнит майдон харитаси ўзгартирилди ва ўртача радиуси 3000 м бўлган маҳаллий ва минтақавий компонентларга бўлинган.

Ўртача радиуси 3000 м бўлган маҳаллий магнит майдон магнит бир жинсли бўлмаганларнинг 600 м номинал чуқурликгача тақсимланишини тавсифлайди. Ҳар хил ўлчамдаги, интенсивликдаги ва морфологиядаги кўплаб маҳаллий аномалиялар мавжуд. Максимумларнинг аксарияти магнит вулқон ва интрузив шаклланишларга боғлиқ. Тақдим этилган максимум ва минимум қийматлар магнит объектларни ажратиш ва турли тартибли ёриқларни хариталаш учун ишлатилган.

Космогеологик тадқиқотлар натижасида олинган истиқболли ҳудудлар хариталари ва материаллар таркиби лойиха ҳудудидаги геологик тадқиқотлар натижаларини кейинчалик геологик қайта талқин қилиш мақсадида космогеологик, геофизик тадқиқотлар бўйича барча маълумотларни кейинчалик бирлаштириш учун мўлжалланган.

Геокимёвий тадқиқотлар: иш бошидан бери мос равишда 20475 ва 20471 та литокимёвий ва атмогеокимёвий намуналар олинди, 2022 йил 10 ойи мобайнида мос равишда 4965 ва 5065 тадан литокимёвий ва атмогеокимёвий намуналар олинди. Иш бошидан бери ярим миқдорий қисқартирилган спектрал таҳлил (13127) ва олтин учун спектрокимёвий таҳлил (13700) ўтказилди.

2022 йилда 6 400 млн.сўм маблағлар ўзлаштирилди.

2023 йилда кутилаётган натижалар: геофизик ва геокимёвий дала ишларни, камераль ишлар яқунланади, истиқболли майдонлар ажратилади ва геофизик хариталар тузилиб яқуний ҳисобот тайёрланади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 2 200,0 млн.сўмни ташкил этади.

17. Лойиха “Кулжуктоғ тоғларида ва Букантоғ тоғининг шимолий-ғарбий қисмида ва Молгузар тоғларида 1:25 000 миқёсда мажмуавий аэрогеофизика тасвирлаш ишлари”. 2020-2023 йй.

2022 йил натижалари.

2022 йил мобайнида Букантоғ участкасида 519,4 кв.км. майдонда, Гобдунтоғ участкасида 1104,79 кв.км. майдонда аэрогеофизика дала ишлари бажарилди.

Ўтган вақт мобайнида Кулжуктоғ (6000 кв.км) ва Букантоғ (1000 кв.км) майдонларида бажарилган аэромагниторазведка дала ишлари маълумотлари қайта ишланди ва аэромагнит хариталар тузилди.

Аэрогеофизика маълумотларини қайта ишлаш ишлари давом эттирилмоқда. 2020 йилда Букантоғ майдонида бажарилган аэроэлектроразведка дала ишлари (1000 кв.км) натижаларини қайта ишлаш ишлари бажарилди.

2023 йилда кутилаётган натижалар: мутахассис ходимларни маълумотларни қайта ишлаш ва геологик талқин қилишга ўқитиш, дала ва камераль ишларни бажариш, геофизик хариталар тузиш.

Майдонда 1:25 000 миқёсда магнитоқидирув, электроқидирув ва гамма-спектрометрия усулларида иборат мажмуавий аэрогеофизик тасвирлаш ишлари натижасида истиқболли майдонларни ажратиш, геологик қайта ўрганиш (ГДП-50 (25)) ва чуқур геологик хариталаш (ГТК-100 (50)) учун замонавий аэрогеофизик асосни яратиш ва якуний ҳисобот тайёрлашдан иборат.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 11 000,0 млн.сўмни ташкил этади.

18. Лойиха “Аристантау, Сангрунтау ва Шарикти тоғларида 2011-2025 йиллар давомида 2800 кв.км майдонда 1:50 000 миқёсда топо вароқларида К-41-93-Г-г;К-41-94-В-в, г;К-41-94-Г;К-41-95-Бўлиши; К-41-105 Б-б, г; К-41-105-Г-б; К-41-105-Г-г-1,2; к-41-106-А-б; К-41-106-С-а, Б; К-41-107-Бир; К-41-107-Б-а-б; К-41-107-Г-а-1,2 қайта геологик таъсирлаш ишлари ўтказиш”. 2011-2025 йй.

2022 йилда бажарилган ишлар ҳажми: колонкали бурғилаш – 6000 пог.м., ҳаво-зарбали бурғилаш – 7000 по.м., шнекли бурғилаш – 6690 пог.м., шурфлар – 70 пог.м., канавалар – 16000 м³.

Олинган натижалар: лойиха худудининг бирламчи геологик хариталари учун бирламчи ишчи таянч легендаси яратилди ва корхона илмий техник кенгаши томонидан кўриб чиқилиб камчиликлари айтиб ўтилди, айтилган камчиликлар тўғриланиб жорий йил охиригача ишчи легендани тасдиқлаш режалаштирилган.

Лойихага киритилган қўшимча майдонларнинг лойиха, смета ҳужжатлари тузилиб Давлат геология қўмитаси экспертиза бошқармасидан эксперт хулосаси олиниб, Давлат геология қўмитаси ИТК тақдим қилинди.

2023 йил учун режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми: колонкали бурғилаш – 9000 пог.м.; ҳаво-зарбали бурғилаш – 12000 пог.м.; шнекли бурғилаш – 10700 пог.м.; шурфлар – 550 пог.м., канавалар – 22 000 м³.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Геологик тасвирлаш ишлари давом эттирилади, барча олинган натижаларни қайта ишлаш ва умумлаштириш, рудали ва норуда фойдали қазилмалар учун истиқболли майдонлар ажратилади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 16 500,0 млн.сўмни ташкил этади.

19. Лойиха “Томдитау тоғларида 2011-2023 йиллар мобайнида 3100 кв.км майдонда К-41-81-В-г;К-41-81-Г-в,г; К-41-82-В; К-41-82-Г-а,в; К-41-92-Б-г; К-41-92-Г-б;К-41-92-Г-г-1,2;К-41-93-А-Б; К-41-93-В-а,б; К-41-93-В-в-1,2; К-41-93-В-г-1,2;К-41-93-Г-а,б; К-41-93-Г-в-1,2; К-41-94-А; К-41-94-В-а,б вароқларида 1:50 000 миқёсда геологик қайта ўрганиш”. 2011-2025 йй.

2022 йилда бажарилган ишлар ҳажми: колонкали бурғилаш – 7000 пог.м., ҳаво-зарбали бурғилаш – 9000 пог.м., шнекли бурғилаш – 15400 пог.м., шурфлар – 200 пог.м., канавалар – 20000 м³.

Олинган натижалар: лойиха худудининг бирламчи геологик хариталари учун бирламчи ишчи таянч легендаси яратилди ва корхона илмий техник кенгаши томонидан кўриб чиқилиб камчиликлари айтиб ўтилди, айтилган камчиликлар тўғриланиб жорий йил охиригача ишчи легендани тасдиқлаш режалаштирилган.

Лойиҳага киритилган қўшимча майдонларнинг лойиҳа, смета хужжатлари тузилиб Давлат геология қўмитаси экспертиза бошқармасидан эксперт хулосаси олинди, Давлат геология қўмитаси ИТК тақдим қилинди.

2023 йил учун режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми: колонкали бурғилаш – 9000 пог.м.; ҳаво-зарбали бурғилаш – 12800 пог.м.; шнекли бурғилаш – 6000 пог.м.; шурфлар – 350 пог.м., канавалар – 22 000 м³.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Геологик тасвирлаш ишлари давом эттирилади, барча олинган натижаларни қайта ишлаш ва умумлаштириш, рудали ва норуда фойдали қазилмалар учун истиқболли майдонлар ажратилади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 15 700,0 млн.сўмни ташкил этади.

20. Лойиҳа “2012-2023 йилларда Султонувайс тоғларида 838 км.кв. майдонда 1:25000 миқёсда геологик қайта ўрганиш (ГҚЎ-25) ва 311 км.кв. майдонда 1:50 000 миқёсда чуқур геологик хариталаш (ЧГХ-50) ишларини олиб бориш”.

2022 йилда бажарилган ишлар ҳажми: канавалар – 1180 м³.

Илгари ўтказилган геологик тасвирлаш, геофизик, геохимёвий ва ҳ.к. ишларнинг натижаларини йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишлари амалга оширилмоқда;

Лойиҳа доирасида норуда фойдали қазилма конларини ўрганиш ва истиқболли майдонларни ажратиш бўйича геологик ишлар олиб борилмоқда.

Лойиҳа ҳудудининг геологик хариталари бирламчи мажмуаси яратилди.

Лойиҳада кейинги босқич геология қидирув ишларини олиб бориш учун рангли металлларга Султанбобо, Зенгибобо, Қорақудуқ каби истиқболли майдонлар ажратилди ва ҳозирги кунда ва Султанбобо, Зенгибобо майдонларида геология қидирув ишлари олиб борилмоқда, Қорақудуқ майдонида 2024 йил дастурида рангли металлларга излаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Майдонда геологик ишларни амалга ошириш учун 1 200 млн.сўм пул маблағи сарфланди.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Геологик тасвирлаш ишлари давом эттирилади, барча олинган натижаларни қайта ишлаш ва умумлаштириш, рудали ва норуда фойдали қазилмалар учун истиқболли майдонлар ажратилади, якуний ҳисобот Давлат геология қўмитаси ИТК тақдим қилинади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 1 200,0 млн.сўмни ташкил этади.

21. Лойиҳа “Нурота тоғ тизмасининг шимолий этакларида, Егербелитау, Бозангир, Балиқлитау ва Писталитау тоғларининг жанубида 590 квадрат метр майдонда 1:50 000 миқёсда майдонни геологик қайта ўрганиш ишлари (ГҚЎИ-50) ва 295 квадрат метрда майдонда 1:100 000 миқёсда чуқур геологик хариталаш (ЧГХ-100) ишларини олиб бориш” 2016-2023 йй.

Олинган натижалар: Бажарилган ишлар натижасига кўра Егербелитау, Бозангир, Балиқлитау ва Писталитау тоғлари ҳудудининг 590 км² майдонда 1:50000 миқёсда геологик қайта ўрганиш ва 368 км² майдонда 1:100 000 миқёсда чуқур геологик хариталари яратилди. Ушбу геология хариталар ГИС технологилари ёрдамида замонавий янги авлод геологик хариталарига ўтказилмоқда.

Янгиланган 1: 50 000, 1:100 000 миқёсда янги авлод геологик хариталари учун таянч легендаси Давлат геология қўмитаси Илмий-Таҳририй кенгашида кўриб чиқилиб тасдиқланди.

Майдонда геологик ишларни амалга ошириш учун 900 млн.сўм пул маблағи сарфланди.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Геологик тасвирлаш ишлари давом эттирилади, барча олинган натижаларни қайта ишлаш ва умумлаштириш, рудали ва норуда фойдали қазилмалар учун истиқболли майдонлар ажратилади, якуний ҳисобот Давлат геология қўмитаси ИТК тақдим қилинади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 663,0 млн.сўмни ташкил этади.

22. Лойиҳа "Ўзбекистоннинг Ғарбий ва Жануби-ғарбий қисмидаги палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизикларини геологик-тасвирлаш ва қидирув ишларига замонавий стратиграфик асосни яратиш мақсадида биостратиграфик ўрганиш" 2020-2026 йй.

2022 йил натижалари:

Олинган натижалар: Ғарбий Ўзбекистоннинг девон, карбон, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи даври ётқизиклари учун замонавий стратиграфик схемаларни яратиш; камёб ер элементлари миқдори ортган типик стратиграфик кесмаларни ажратиш. Ажратилган бўлинмалардан топилган органик қолдиқлар комплекслари бўйича ХСШ билан қиёслаш. Тузилган схемалар турли масштабдаги геологик-тасвирлаш ва қидирув ишларини олиб бориш учун илмий асос бўлади.

Лойиҳалар бўйича 50 000 масштабда ҳар бир варақ бўйича қуйидаги хариталарнинг электрон вариантлари шакллантирилди:

- карта факт материаллари 100%;
- районнинг геологик харитаси 100%;
- геоморфологик харита 100%;
- тўртламчи давр ётқизиклари харитаси 100%;
- фойдали қазилмалар харитаси 1000%;
- домезозой фундаменти бўйича харита 100%.

Худуднинг тектоник схемаси ва қирқимлари олинди.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Олиб борилган ишлар натижасида лойиҳалар доирасида ҳисоботлар тузилади ва илмий тахририй кенгашга тақдим қилинади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 4 299,4 млн.сўмни ташкил этади.

23. Лойиҳа "Олтин ва бошқа фойдали қазилмалар учун истиқболли майдонларни ажратиш учун Пскем дарёсининг ўрта курсининг чўкинди, чўкинди-метаморфик ва магматик ҳосилаларининг руда таркибини ўрганиш" 2018-2023 йй.

2022 йил натижалари:

Олинган натижалар: Сунъий йўлдош орқали олингани тасвирлардан чизиқли структураларни ажратиш билан тектоник бузилиш харитаси тузилди.

Геокимёвий, геофизикавий ва геологик аномалияларга мос равишда бир хил майдонларни аниқлаш ва белгилаш учун чизиқли тузилмаларнинг зичлик харитаси ҳам яратилди.

Тадқиқотни яқунлаш учун ҳар бир фойдали қазилма қидирилаётган (Бештор-Тундукская) майдонида 5 та энг муҳим маъданли майдонлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқилди (Жамалтор, Туюк-Левобережное, Маиданталская, Тастарсайское). Бу соҳаларга оид маълумотлар тўпламида барқарор бўлмаган (олтин, кумуш) ва нодир (висмут, тантал, волфрам, бериллий қалай, ниобий) металлар, шунингдек, фторит конлари топилиши учун истиқболли бўлган маҳаллий майдонлар пайдо бўлди.

Геокимёвий, геофизикавий ва геологик аномалияларга мос равишда бир хил майдонларни аниқлаш ва белгилаш учун структурали тузилмаларнинг зичлик харитаси ҳам яратилган. Ахборотлар, шу жумладан қуйидаги мазмундаги график материаллар ўрганилди: кенг кўламли (масштабли) 1:1 000 – 1:5 000) уларга геологик, геологик-структуравий, структуравий-морфологик ва бошқа хариталар, диаграммалар тузилди. Лойиҳа бўйича ахборот ҳисоботи тайёрланди.

Сарфланган маблағ - 25,0 млн.сўм.

2023 йилда кутилаётган натижалар: Барча олинган таҳлил натижалари ва тўпланган маълумотлар умумлаштирилади.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 1 000,0 млн.сўмни ташкил этади.

24. Лойиха “Замонавий компьютер технологияларини қўллаш асосида Чотқол-Курама минтақаси ҳудудида геолого-геокимёвий ва геофизик ишлар натижаларини қайта ишлаш ва умумлаштириш”. 2021-2024 йй.

2022 йилда бажарилган ишлар ҳажми: Ҳисобот даврида лойиха-смета ҳужжатлари тузилди ва тасдиқланди (II кв.). 1:500 000 ва 1:200 000 миқёсларда Чотқол-Курама минтақаси ҳудудининг ўрганилганлик бўйича схема ва каталоги тузилди, 1:100 000 миқёсда обзорли ҳаритаси ва 23 300 кв.км майдонга (18 085 кв.км лойиха майдонини ичига олган ҳолда) 1:200 000 миқёсда лойихавий геологик ҳарита тузилди.

Деярли бутун лойиха майдони учун 1:25 000 – 1:50 000 миқёсларда аэромагнит ва аэрогаммаспектрометрик ишлар бўйича геофизик маълумотлар базаси (ЛБД) яратилди. Геокимё маълумотлари бўйича 75% ЛБД (2 635 348 дона сон) яратилди.

Космогеология тадқиқотлари қисман бажарилди: космик суръатлар бўйича линеаментлар ажратилган ҳолда тектоник бузилишлар зичлиги майдонининг ҳаритасининг 25% тузилди.

2023 йил учун асосий вазифалар: Чотқол-Курама минтақаси ҳудуди бўйлаб геолого-геокимёвий ва геофизик маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таҳлили қилиш, тизимлаштириш ва математик қайта ишлаш бўйича ишларни давом эттириш.

2023 йилда кутилаётган натижалар: геофизик ва геокимёвий аномалиялар бўйича 1: 100 000 миқёсда ҳариталар тузиш, 1:100 000 миқёсда олтин ва бошқа фойдали қазилмаларга башоратли-металлогеник ҳариталар тузиш, истиқболли майдонларни тузиш.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 1 500,0 млн.сўмни ташкил этади.

25. Лойиха “Ауминзатау тоғларининг Жанубий Амантайтау ва Белтау ҳудудларидаги барча турдаги фойдали қазилмалар учун илгариланма ихтисослашган қидириш ишларини ўтказиш”. 2016-2023 йй.

2022 йил натижалари.

Олинган натижалар: Белтоғ майдонидан 2020 йилда P2 тоифаси бўйича тўқизта минераллашган маъданларидан 9,8 тонна башорат ресурси ҳисобланиб Давлат геология балансига қабул қилинди.

Лойиха бўйича 2022 йил июн ойигача барча олинган 50639 дона намуналар тош майдалаш цехида майдаланиб лаборатория таҳлили учун юборилган бўлиб. Лабораторияга юборилган 50285 дона намуналардан таҳлил натижалари олинди ва ЛБД га киритилди, 354 дона намунанинг таҳлил натижалари Марказий ГГЭ юборилди Ҳозирда лойиха ҳисоботи учун геологик қирқимлар, геологик ҳариталар тузилмоқда, ЛБДни 90% ишлар бажарилди. 2022 йилниг IV-чорагида ҳисобот топшириш ишлари олиб борилмоқда.

2016-2021 йилларда ўтилган канавалардан қайта намуналаш ишлари амалга оширилди ва 181 дона намуналар олинди, Марказий Ўзбекистон тош майдалаш цехига олиб келинди пробирни-спектрални лабораторияга юборилди ва лаборатория таҳлил натижаларини олинди. 2021 йилда ўтилган 42,44- канавалардан ижобий натижалар олинди ва 4 метрга 23,74 г/т олтин миқдори аниқланди.

Сарфланган маблағ – 20 482 672,0 минг сўм.

2023 йил учун режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми: колонкали бурғилаш – 3000 пог.м., геохимик ҳариталовчи бурғилаш – 2500 пог.м., ҳаво-зарбали бурғилаш – 6000 пог.м.; шнекли бурғилаш – 1000 пог.м; шурфлар – 180 пог.м., канавалар – 10 315 м³.

2023 йил учун асосий вазифалар: Барча олинган натижаларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва якуний ҳисобот тайёрлаш ва Давгеолқўм ИТК тақдим этиш.

2023 йилга ажратилиши кутилаётган маблағ 7 800,0 млн.сўмни ташкил этади.

